



ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

4

2018

МУНДАРИЖА

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

| | | |
|---|---|----|
| Кадыров А.М., Ахмедиева А.Т., Шамсутдинов Н.Н. Валиев Б.Б. | Методология оценки инновационного потенциала региона..... | 6 |
| Бурханов А.У., Курбанов Х.А. Алимова Н.Р., Абдукахарова С.А. Шадыебекова Д.А. | Ўзбекистон хуудларида инвестицион фаолликни оширишнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 11 |
| Жуманиязов И.Т., Холиқов Ҳ.В. | Инвестицион фаоллик-хуудий иқтисодий тараққиётнинг бош омили сифатида..... | 20 |
| Рашидов Р.И. | Инновационные образовательные технологии в сфере здравоохранения Республики Узбекистан..... | 26 |
| | Роль инвестиционной привлекательности в управлении экономикой Узбекистана..... | 32 |
| | Мамлакатимизда инвестиция дастурларини молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ўрни..... | 37 |
| | Қишлоқ хўжалигида инновацион ривожлантириш йўналишлари..... | 44 |

МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

| | | |
|--------------|--|----|
| Усманов А.С. | Методологические основы экономической системы..... | 50 |
| Умаров А.А. | Пути расширения участия НИУ в обеспечении макроэкономической стабильности в Республике Узбекистан..... | 55 |

БАНК ИШИ

| | | |
|----------------|---|----|
| Султанова Н.И. | Проблемы совершенствование рейтинговой оценки деятельности коммерческих банков Узбекистана..... | 62 |
| Мавланов Н.Н. | Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашни такомиллаштириш йўллари..... | 68 |

МЕХНАТ ИҚТИСОДИЁТИ

| | | |
|--|--|----|
| Умурзаков Б.Х. | Сущность и направления децентрализации управления экономикой на региональном уровне..... | 73 |
| Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У., Турсунов М.Б. Акрамова Ш.Г. | Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари..... | 77 |
| Рустамов Д.Р. | Ривожланган давлатларда эркин иқтисодий зоналар фаолияти: АҚШ тажрибаси..... | 86 |
| | Молиявий барқарорликни ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон пенсия тизимини имитацион моделлаштириш..... | 91 |

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

5. Мясин В.Н. Приоритеты реструктуризации инвестиционных процессов в развитии реального сектора экономики Северо-Арктического региона//Экономика и управление. 2012. №7.С. 133-141.
6. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов//Монография. Ташкент: IFMR, 2014. С.41.
7. Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198.
8. Шрамко О.Г. Факторный анализ инвестиционной привлекательности регионов//Региональная экономика. 2014. №4(331). С.41-50.
9. Caste Jon and Worz (2006) 'Good or Bad? The influence of FDI on Output Growth: An industry-level analysis'. *www Working Paper No.38, Vienna.*
10. Markusen and Rutherford (2004) 'Learning on the Quick and Cheap: Gains from Trade Through imported Expertise'. *CEPR Discussion Paper No.4504*
11. Sanjaya Lall, 'Linking FDI, technology development for capacity building and strategic competitiveness', *Transnational corporations' volume 11 number 3, December 2002, United Nations Conference on Trade and Development, Division on Investment, Technology and Enterprise Development.*
12. Xiaolan Fu, 'Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China', *Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007.*

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК - ХУДУДИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ СИФАТИДА

И.ф.д., проф., Бурханов Ақтам Усманович
ТДИУ Молия ва солиқлар кафедраси профессори,
И.ф.н, доц., Қурбонов Хайрулла Абдурасулович
ТДИУ Молия ва солиқлар кафедраси доценти

Аннотация: Ушбу мақолада ҳудудлар инвестицион фаоллигининг ташкилий-иқтисодий асослари ёритилган. Асосий капиталга киритиладиган инвестицияларни ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти асослаб берилган. Инвестицион фаоллиқни ҳудудларнинг мувозанатли ривожланишига таъсири тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: маҳаллий бюджет, солиқ юки, солиқ маъмурчилиги, субвенция, дотация, ҳудудлар иқтисодий салоҳияти, бюджет ссудалари, маҳаллий солиқлар, фискал омил.

Аннотация: В данной статье раскрыты организационно-экономические основы инвестиционной активности регионов. Обоснованы роль и значение инвестиции в основной капитал в социально-экономическом развитии регионов. Исследовано влияние инвестиционной активности на сбалансированное развитие регионов.

Ключевые слова: местный бюджет, налоговая нагрузка, налоговое администрирование, субвенция, дотация, экономический потенциал регионов, бюджетные ссуды, местные налоги, фискальный фактор.

Annotation: In this article are disclosed the organizational and economic foundations of the region's investment activities. The role and importance of fixed capital investment in social and economic development of the regions are justified. Investigated influence of investment activity on balanced development of regions.

Key words: local budget, tax burden, tax administration, subvention, subsidy, economic potential of regions, budget loans, local taxes, fiscal factor.

Республикамизда стратегик контек- таъминлашда мувозанатли ҳудудий иж-
ста макроиқтисодий барқарорлик ва тимой-иқтисодий ўсишни таъминлаш
мутаносиб иқтисодий ўсиш суръатлирини муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги ҳу-

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

дудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ассиметрик тафовутнинг мавжудлиги, мавжуд иқтисодий-ресурс салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва нисбатан паст даражада ривожланган ҳудудларда иқтисодий ривожлантиришни жонлантиришга қаратилган фаол ҳудудий сиёсатни амалга оширишни тақозо қилади. Бунда ҳудудий молиявий-инвестицион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва бошқариш негизида инвестицион фаолликни янада жонлантириш бўйича ислохотларни чуқурлаштиришни талаб қилмоқда.

Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари" да [1] яқин истиқболда "Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш" вазифалар амалга ошириш белгилаб олинган. Шунингдек, биринчи даражада бажарилиши лозим бўлган устувор йўналишдаги вазифалар сифатида қуйидагилар ҳам белгилаб олинган:

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-ҳомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

– янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий

ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

– саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

– саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Юқоридаги йўналишлар бўйича ҳудудий иқтисодий сиёсатни изчил амалга ошириш истиқболда ҳудудий инвестицион сиёсат стратегик йўналишларини белгилаб олишнинг фундаментал асосларини ташкил қилади.

Маълумки, инвестицион фаолликни ошириш стратегик контекста ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бош иқтисодий омили ҳисобланади. Бу борада иқтисодчилар П.Л.Виленский, В.Н.Лившиц, С.А.Смоляк [2] инвестицияларни амалга ошириш мамлакат такрор ишлаб чиқариш базасини ривожланишининг негизини ташкил қилишини эътироф этишиб, замонавий шароитларда стратегик контекстда ижтимоий ва иқтисодий мақсадлар самарали реализация қилиш омили ҳисобланишини эътироф этиб ўтишадилар.

Иқтисодчи Б.Б. Цыбенова ҳудудлар кесимида инвестицион фаолиятнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаб, инвестициялар ҳозирги кунда йирик мегаполисларни ўз ичига олувчи, нисбатан ривожланган инфратузилма ва бой табиий ресурсларга эга ҳудудларда концентрациялашуви ҳисобига ушбу ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлайди [3]. Иқтисодчи ушбу фикрида ҳудудлар инвестицион салоҳиятини ифодаловчи асосий детерминантларни бериб ўтади.

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (231,6%) кузатилмоқда.

Маълумки, ҳудудлар асосий капиталга жалб қилинадиган инвестициялар ҳажми ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий-инвестициявий салоҳияти ва ундан фойдаланиш кўламига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги ислохотлар шароитида ҳар бир ҳудудлар кесимида мавжуд молиявий-инвестициявий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш орқали инвестициявий фаолликни ошириш масаласи кун тартибидаги долзарб масала сифатида майдонга чиқмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида яратилган ЯҲМда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг улуши, (жамига нисбатан фоизда)

| Ҳудудлар номи | Йиллар | | | | |
|------------------------------|--------|------|-------|------|------|
| | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 |
| Республика бўйича жами | 30,2 | 31,8 | 33,3 | 34,7 | 35,7 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 60,3 | 83,5 | 109,8 | 63,8 | 32,2 |
| Ўндижон вилояти | 15,5 | 14,6 | 15,7 | 16,5 | 15,1 |
| Бухоро вилояти | 43,3 | 44,0 | 45,2 | 59,3 | 96,2 |
| Жиззах вилояти | 36,6 | 31,2 | 28,2 | 28,6 | 28,4 |
| Қашқадарё вилояти | 46,0 | 50,4 | 55,7 | 61,1 | 76,2 |
| Навоий вилояти | 36,0 | 31,0 | 27,0 | 40,5 | 35,2 |
| Наманган вилояти | 18,8 | 24,2 | 26,5 | 29,9 | 29,1 |
| Самарқанд вилояти | 20,4 | 20,8 | 23,7 | 24,0 | 19,8 |
| Сурхондарё вилояти | 21,7 | 19,6 | 22,0 | 23,3 | 27,7 |
| Сирдарё вилояти | 31,7 | 31,7 | 29,8 | 32,3 | 31,2 |
| Тошкент вилояти | 33,3 | 35,5 | 33,4 | 28,5 | 27,2 |
| Фарғона вилояти | 21,0 | 19,0 | 18,3 | 18,2 | 16,0 |
| Хоразм вилояти | 22,8 | 25,4 | 21,3 | 20,2 | 20,9 |
| Тошкент шаҳри | 33,7 | 35,4 | 34,3 | 42,6 | 40,9 |

Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2013-2016 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан асосий капиталга киритилган инвестицияларда Қорақалпоғистон Республикасига (2013 йилда 0,60%, 2014 йилда 0,84 %, 2015 йилда 1%) етакчилик қилган. 2013 йилда Республика бўйича ўртача кўрсаткич 30,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ўртачадан юқори кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси (60,3 %), Тошкент шаҳри (33,7%), Қашқадарё (46,0%), Бухоро (43,3%), Жиззах (36,6%), Навоий (36,0%), Сирдарё (31,7%) вилоятларига тўғри келмоқда. 2013 йилда Самарқанд вилояти ҳудудидан наст кўрсаткичга, яъни ЯҲМга нисбатан 20,4 фоизни ташкил қилмоқда.

2017 йилда республика бўйича ўртача кўрсаткич 35,7 фоизга изчил ўсиб борган. Бунда Бухоро (96,2%), Қашқадарё (76,2%) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (40,9%) республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан юқори кўрсаткични қайд этган.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилишимиз мумкинки, йирик ва стратегик аҳамиятга эга молик лойиҳаларни амалга ошириш эвазига юқорида тилга олинган ҳудудларда ЯҲМга нисбатан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг улуши юқори бўлган.

Энди аҳоли жон бошига нисбатан асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши таҳлилини кўриб чиқамиз.

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳудуддаги мавжуд инвестицион салоҳиятга асосланган ҳолдаги инвестицион фаоллик ҳудуддаги мавжуд молиявий ресурсларни инвестицион ресурсларга трансформациялашувига ҳам ижобий таъсир этади. Бу борада Н.В.Игошин, инвестициялаш мамлакат иқтисодиётини амал қилиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, мавжуд потенциал молиявий ресурсларни инвестицион ресурс сифатида эҳтиёж сезувчи тармоқларга трансформациялашув жараё-

нини тезлаштиришини эътироф этиб ўтади [4].

Демак, инвестициялар ҳудудларнинг стратегик жиҳатда ривожланишининг муҳим омили ҳисобланар экан, ҳозирги шароитда мавжуд ҳудудий иқтисодий тараққиётдаги ассиметрик тафовутни мувозанатлаштириш учун, аввало, яхлит давлат инвестиция сиёсатида ушбу жиҳатларни инobatга олиш талаб этилади.

2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестиция фаолияти қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестициялар ва уларни ҳудудлар бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот, млрд. сўм

| Худудлар номи | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2013 йилга нисбатан 2017 йилдаги ўсиш, %да |
|------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|--|
| Республика бўйича жами | 28694,6 | 35233,3 | 41670,5 | 49770,6 | 60719,2 | 211,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2361,9 | 3917,8 | 5925,7 | 3718,9 | 2235 | 94,6 |
| Андижон вилояти | 1287,8 | 1423 | 1661 | 1987,3 | 2236 | 173,6 |
| Бухоро вилояти | 2871,6 | 3408,3 | 3866,1 | 5756,7 | 11008,9 | 383,4 |
| Жиззах вилояти | 1017,9 | 1038,5 | 1101,1 | 1247 | 1436,7 | 141,1 |
| Кашқадарё вилояти | 3498,8 | 4483,2 | 5590,5 | 7048,8 | 10181,9 | 291,0 |
| Навоий вилояти | 1622,6 | 1653 | 1685,4 | 2846,8 | 2784,5 | 171,6 |
| Наманган вилояти | 1059,3 | 1618,7 | 1966,4 | 2566,7 | 3052 | 288,1 |
| Самарканд вилояти | 1915 | 2247,8 | 2854 | 3321,4 | 3307,1 | 172,7 |
| Сурхондарё вилояти | 1246,8 | 1339,5 | 1633,4 | 2005,2 | 2949,1 | 236,5 |
| Сирдарё вилояти | 804,7 | 927,2 | 1000,2 | 1240,9 | 1349,4 | 167,7 |
| Тошкент вилояти | 2982,9 | 3741,9 | 4055,7 | 3959,9 | 4301,8 | 144,2 |
| Фарғона вилояти | 1899,7 | 1998,4 | 2133 | 2404,5 | 2473,8 | 130,2 |
| Хоразм вилояти | 1148,5 | 1466,5 | 1343,4 | 1445,4 | 1877,1 | 163,4 |
| Тошкент шаҳри | 4977,1 | 5969,5 | 6854,6 | 10221,1 | 11525,9 | 231,6 |

Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, республика бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар номинал қийматда 28694,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич изчил ўсиш суръатига эга бўлган ва 2017 йилга келиб 60719,2 млрд. сўмга етган. Демак, ушбу йилларда асосий капиталга

киритилган инвестициялар номинал қийматда 2,1 баробарга ўсган.

Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2013 йилга нисбатан 2017 йилдаги ўсиши 211,6 фоизни ташкил қилган. Юқори ўсиш суръати Бухоро (383,4%), Кашқадарё (291,0%), Наманган (288,1%), Сурхондарё (236,5%)

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

3-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори, минг сўмда

| Худудлар номи | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2013 йилга нисбатан 2017 йилдаги ўсиш, %да |
|------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|--|
| Республика бўйича жами | 948,8 | 1145,5 | 1331,4 | 1562,8 | 1874,8 | 197,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1370 | 2239 | 3334,5 | 2061,1 | 1221,4 | 89,2 |
| Андижон вилояти | 463,1 | 502,6 | 575,9 | 676,8 | 748,5 | 161,6 |
| Бухоро вилояти | 1647,4 | 1924,6 | 2147,4 | 3146,8 | 5929,3 | 359,9 |
| Жиззах вилояти | 832,9 | 838,5 | 871,7 | 967,8 | 1094,3 | 131,4 |
| Қашқадарё вилояти | 1222 | 1531,6 | 1868,3 | 2305,7 | 3265 | 267,2 |
| Навоий вилояти | 1813,4 | 1822,1 | 1830,7 | 3043,7 | 2930,2 | 161,6 |
| Наманган вилояти | 426,9 | 640 | 762,5 | 976,7 | 1140,6 | 267,2 |
| Самарқанд вилояти | 561 | 645,9 | 804,1 | 918,1 | 897,3 | 159,9 |
| Сурхондарё вилояти | 545,8 | 574,1 | 684,9 | 822,8 | 1185,5 | 217,2 |
| Сирдарё вилояти | 1062,9 | 1203,5 | 1276,1 | 1557,3 | 1636,3 | 153,9 |
| Тошкент вилояти | 1100,4 | 1364,6 | 1460,9 | 1408,4 | 1511,9 | 137,4 |
| Фарғона вилояти | 565,7 | 585,1 | 613,8 | 680,2 | 661,8 | 117,0 |
| Хоразм вилояти | 688,2 | 862,7 | 776 | 820,4 | 936,6 | 136,1 |
| Тошкент шаҳри | 2120,7 | 2527,2 | 2877,4 | 4243,4 | 4714,3 | 222,3 |

Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, асосий капиталга киритилган инвестицияларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори республика бўйича 2013 йилда ўртача 948,8 минг сўмни, 2017 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 1874,8 минг сўмни ташкил қилган. Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар кўрсаткичи бўйича 2013 йилда Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро, Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртачадан юқори кўрсаткични қайд этган. 2017 йилга келиб эса Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг улуши ўртачадан юқори кўрсаткични ташкил қилган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича хулоса қилиш мумкинки, республика бўйича аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар ўртача кўрсаткичидан юқори ҳудудлар сонинг қисқари-

шини иккита ҳолат билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, ўртачадан юқори кўрсаткични қайд этган ҳар бир ҳудуд иқтисодий салоҳияти юқори бўлган ҳудуд ҳисобланади. Иккинчидан, улардаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ўртача кўрсаткичдан 1,6 дан 3,2 баробаргача кўпни ташкил қилмоқда. Бу ўз навбатида, мамлакатдаги мавжуд инвестиция ресурсларининг тақсимланишида айрим ҳудудларда кучли концентрация ҳисобига ҳудудий тақсимланишидаги тафовутнинг нисбатан ортиб бораётганлигидан далolat беради.

Ҳудудларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш учун қуйидаги йўналишлардаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудлар учун узоқ муддатли инвестиция кредитларини ажратиш тизимини янада жадаллаштириш орқали ин-

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

вестициялар ҳажмини ошириш. Инвестиция ресурслари етишмаётган туманларда салоҳиятли банк филиаллари ва минибанкларни ташкил этиш, уларнинг капиталлашувини кучайтириш, молиявий инфратузилмани ривожлантириш ўта долзарб аҳамият касб этади. Худудда инвестиция ва суғурта фондлари, кредит уюшмалари, ломбардлар, банк гуруҳлари ва холдинглари, ўзаро ёрдам кассалари каби молиявий институтларнинг замонавий шакллари ривожлантириш ҳам иқтисодиётда капитал ҳаракатини тезлаштиради. Тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг худудий тизимини ишлаб чиқиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш учун зарурий шароитлар яратиш лозим.

2. Мавжуд потенциал молиявий ресурсларни инвестициявий ресурс сифатида трансформациялаш ва уларни худудлар иқтисодиётининг устувор тармоқларига йўналтириш учун корпоратив инвестициявий фондларни шакллантириш ва ривожлантириш зарур.

3. Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг инвестициявий ташаббускорлигини рағбатлантириш. Худуднинг юқори интеллектуал салоҳияти-

дан фойдаланган ҳолда ўқув юртлари, ишчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, бизнес инкубаторлар, лабораторияларни ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг энгил саноат, озиқ-овқат саноати, хизмат кўрсатиш каби кўп меҳнат талаб этадиган тармоқларини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш – меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш учун асос бўлади.

4. Аҳоли ва корхоналар маблағларини инвестициялаш жараёнига жалб этишни рағбатлантириш. Аҳоли ҳамда корхоналарнинг бўш турган пул маблағлари ва жамғармаларини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилиш, улардан унумли фойдаланиш бир қанча муҳим вазифаларни амалга оширишни талаб қилади.

5. Худудий инфратузилма ва айниқса инвестициявий инфратузилма яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш. Бунда вилоятлар кесимида йўл транспорт-коммуникация тизимини модернизациялаш, коммунал хизматлар тизимида чуқур ислохотларни олиб бориш, юқори тезликда ишловчи интернет тизимларини жорий этиш ва бошқалар назарда тутилади.

Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, Тошкент ш., 2017 йил 7 феврал.
2. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: теория и практика. – М.: Дело, 2002.
3. Цыбенкова Б.Б. Инвестиционный потенциал регионов// Байкальские чтения: сборник научных трудов. – Вып. 2 – Улан-Удэ: БЭПИ, 2010.
4. Игошин Н.В. Инвестиции. – М.: Юнити-Дана, 2002.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари, <https://stat.uz/uz/>.